

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2025 йил 18 февраль куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья Х.Шамшиевнинг раислигида, ҳайъат судьялари: О.Қличев ва К.Мирсафаевлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Раджабовнинг котиблигида, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори У.Файзиев, судланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси – адвокат Р.Исоқов, судланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси – адвокат Д.Якубовларнинг иштирокида, судланувчи ХХХ, ХХХ ва адвокат Д.Якубов томонидан келтирилган апелляция шикоятларини [REDACTED]-сонли жиноят иши билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2024 йил 24 сентябрь кунидаги ҳукмига кўра,

[REDACTED]
шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, бўйдоқ, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, [REDACTED]

[REDACTED] яшаган, мазкур иш бўйича 2024 йил 20 январдан қамоқда сақланаётган, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251¹-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, унга шу модда билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жазони умумий тартибли колонияда ўташ, жазо муддатини 2024 йил 20 январдан бошлаб ҳисоблаш белгиланган;

[REDACTED]
шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, икки нафар вояга етмаган фарзанди бор, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган: 1) жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 20.07.2006 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди, 25,169-моддаси 3-қисми “а” банди, 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан, ЖКнинг 83,57,59-моддалари тартибида 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси



тайинланиб, ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб ҳукм шартли ҳисобланиб, 1 йил синов муддати белгиланган; 2) жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 24.04.2008 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми “в” банди билан, ЖКнинг 82,57-моддаларини қўллаб 186.300 сўм жарима жазоси тайинланган, жарима тўланган, ЖКнинг 78-моддаси тартибида судланганлик ҳолати тугалланган; 3) жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 07.12.2018 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “г” банди билан 2 йил 10 ой 7 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 25.12.2019 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 10 ой 7 кун озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли озод этилган; 4) жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 06.05.2020 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан, ЖКнинг 60-моддаси тартибида 4 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 05.10.2021 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 48¹-моддасига асосан ўталмай қолган жазоси 3 йил 2 ой 20 кун муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 22.05.2023 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган жазоси иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 7 ой 3 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, ўталмаган жазо муддати 1 йил 3 кунни ташкил қилади, [REDACTED]

[REDACTED] мазкур иш бўйича 2024 йил 20 январдан қамоқда сақланаётган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251¹-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, унга шу модда билан 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 60,61-моддалари узил-кесил 7 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташ, жазо муддатини 2024 йил 20 январдан бошлаб ҳисоблаш белгиланган;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан ХХХга нисбатан жазони ўташ жойларида гиёҳвандлик ва токсикоманияга қарши даволаниш чоралари қўлланилган;

Ашёвий далиллар - 57 дона “Тропикамид” ва 124 дона “Зардекс” дори воситаларини йўқ қилиш, “ХХХ” русумли ва “Samsung A-54” русумли уяли телефон аппаратларини судланувчи ХХХнинг яқин қариндошларига



қайтариш, DVD-R дискни жиноят иши ҳужжатларида сақлаш кўрсатилган.

Мазкур ҳукм билан ХХХ ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251¹-моддаси 2-қисми билан судланган бўлиб, суд ҳукмининг унга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Суднинг ҳукмига кўра, ХХХ кучли таъсир этувчи дори воситаларини ўтказиш мақсадида жиноий шериги ХХХ билан 2024 йил 18 январь куни фуқаро Курбонова Самира Рамазоновнага 1 дона “Тропикамид” ва 1 дона “Зардекс” номли кучли таъсир этувчи моддаларни сотганлари натижасида ХХХ мазкур дориларни ўз ихтиёри билан ИИО ходимларига тақдим этиб, ХХХ ва ХХХларга нисбатан қонуний чора кўришни сўраган.

ХХХнинг аризасига асосан ўтказилган тезкор тадбир давомида 2024 йил 18 январь куни соат 18:01 ларда ХХХ ХХХ ҳамда ХХХлар билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчасида кўришганида, ХХХ ва ХХХлар ўзаро жиноий тил бириктириб, ХХХдан 10 дона “Тропикамид” номли кучли таъсир этувчи модда олиб келиб бериш учун 700.000 сўм миқдоридagi пул маблағларини олган вақтида ИИО ходимлари томонидан қўлга олинган ва ХХХдан 700.000 сўм миқдоридagi пул маблағлари холислар иштирокида ашъвий далил тариқасида расмийлаштириб олинган.

Шундан сўнг, ХХХ ва ХХХларнинг кўрсатувларида бу кучли таъсир этувчи дориларни “Шохрух” исмли шахсдан олганлигини ва тезкор-тадбирни ўз хоҳишлари билан давом эттиришни баён қилганидан сўнг, шу куни Миробод тумани ИИО ФМБ ЖҚБ ходимлари томонидан тезкор-тадбир давом эттирилиб, ХХХ, ХХХ ва ХХХлар ХХХ билан Яккасарой тумани, Ш.Руставели кўчасида кўришган вақтида ИИБ ходимлари томонидан қўлга олиниб, ХХХнинг ёни ҳамда автомашинаси холислар иштирокида кўздан кечирилганда, 57 дона “Тропикамид”, 124 дона “Зардекс” номли кучли таъсир этувчи дорилар борлиги аниқланиб, холислар иштирокида тегишли тартибда баённома орқали расмийлаштириб олинган.

Суд-кимёвий экспертиза хулосасининг 19.01.2024 йилдаги 2924-сонли хулосасига кўра, ХХХдан олинган 57 дона этикеткаси юзасида “ТРОПИКАМИД” капли глазные 1,0% TROPICAMIDE 10 мл действующее вещество: тропикамид 10,0 мг/мл 2212111 07 2022 07 2025” ёзувли оқ рангли елим флаконлар ичидаги суюқлик моддалар (объектлар № 1-57) таркибида “Тропикамид” моддаси мавжуд бўлиб, номланишига мос бўлган дори воситаси эканлиги, завод қадоғига кўра, бир дона елим флакондаги ҳажми 10 мл. рангсиз суюқликнинг таркибида 0,1 грамм тропикамид моддаси мавжуд бўлиб, 57 дона елим флакондаги ҳажми 10 мл.дан бўлган суюқлик моддалар таркибидаги тропикамид моддасининг соф оғирлиги – 5,7 граммни ташкил этиши аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги “Фармацевтик маҳсулотлари хавфсизлик” марказининг 05.03.2024 йилдаги 41/18-3134 ва 3139-сонли хулосасига кўра ХХХдан олинган 124 дона “Зардекс 300мг” капсуласининг таркибида “ПРЕГАБАЛИН” моддаси



мавжуд бўлиб, бу модданинг соф вазни 38,178836 граммни ташкил этиши қўрсатилган.

Судланувчи ХХХ апелляция шикоятда, иш бўйича енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, жазони енгиллаштиришни сўраган.

Судланувчи ХХХ ва адвокати Д.Якубов апелляция шикоятда, суд жараёнида гиёҳвандлик воситаларини сотиш факти тўлиқ исботланмаганлиги, далиллар тўлиқ текширилмаганлиги, суд-тиббий экспертиза хулосаси бўйича қарама-қаршиликлар мавжудлиги, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар етарлича инобатга олинмаганлиги ҳақида важлар келтириб, ХХХга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб енгиллаштиришни ёки оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Судлов ҳайъати судья К.Мирсафаевнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори У.Файзиёевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи ХХХ, ХХХ ва ҳимоячиларининг апелляция шикоятини қаноатлантиришни ва оқлов ҳукми чиқаришни сўраган фикрларини тинглаб, апелляция шикоятларидаги важлари билан чегараланмасдан, ишни тўла ҳажмда текшириб, жиноят иши ҳужжатларини тафтиш қилиб, қуйидагиларга асосан суд ҳукмининг ХХХ ва ХХХга оид қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишини судда кўришда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабларига тўлиқ риоя қилинган. Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида ЖПКнинг 95-моддаси тартибида баҳоланган далиллар билан асослантилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 24.08.2018 йилдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарорида белгилаб қўйилган шартларга мувофиқ, мазкур жиноят иши юзасидан тўпланган ва суд тергови жараёнида текширилган юқорида қайд этилган далиллар суд томонидан мақбул ва қонуний деб топилади.

Судланувчи ХХХ ва ХХХнинг жиноят содир этишдаги айби, уларнинг ўз айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, биринчи босқич судида сўроқ қилинган мазкур ҳукм билан судланган ХХХ, гувоҳ ХХХ, [REDACTED]

[REDACTED] ларнинг тарафлар розилиги билан тергов даврида берган кўрсатувлари ўқиб эшиттирилганида судланувчилар томонидан қисман тасдиқланганлиги, жиноят иши ҳужжатларидаги далиллар, жумладан терговолди тўпланган суриштирув ҳужжатлари, нарсани олиб қўйиш баённомалари, суд-кимёвий экспертиза хулосалари, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят иши ҳужжатларида мавжуд бўлган ЖПКнинг 95-моддаси тартибида



текширилган ва баҳоланган бошқа объектив далиллар мажмуи билан ўз исботини тўлиқ топган.

Биринчи босқич суди, судланувчи ХХХнинг суд мажлисидаги Самира ундан “тропикамид” номли кучли таъсир қилувчи дори воситаларни олиб келиб беришни илтимос қилганлиги учун Чилонзор тумани Қатортол кўчасида жойлашган дорихонада сотувчи бўлиб ишловчи “Достон” исмли шахсдан 1 дона “Зардекс” ва 1 дона “Тропикамид” номли дори воситаларини олиб бориб берганлиги тўғрисидаги важларига ҳуқуқий баҳо бериб, унинг бу важларини асоссиз у томонидан содир этилган жиноий ҳаракати учун қонунда белгиланган жавобгарликдан қутулиш мақсадида келтирилган ҳамда судланувчи ХХХ, гувоҳ ХХХнинг кўрсатувлари ва жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан инкор этилиши ҳақида асосли тўхтама келган.

Бундан ташқари, биринчи босқич суди мажлиси давомида иш юзасидан суд-тиббий экспертизаси тайинланиб, суд-тиббий экспертизасининг 20.08.2024 йилдаги 1061-Қ-Кур.-сонли хулосасида ХХХ танасида аниқланган “юқори жағ ўнгдан 1-тиш, чапдан 1-2-тишлари тож қисмидан синиши” каби жароҳатлари етказганлик муддати бўйича тиббий ҳужжатлар бўлмаганлиги сабабли жароҳатнинг етказилганлик муддатига аниқлик киритишнинг имкони бўлмаганлиги кўрсатилган.

Шу сабабли, биринчи босқич суди судланувчи ХХХнинг суд мажлисидаги ИИО тезкор ходимлари томонидан унга нисбатан куч ишлатилгани ва унинг тишини уриб синдиришгани тўғрисидаги важларига ҳуқуқий баҳо бериб, ХХХга нисбатан тан жароҳатлар айнан ИИО тезкор ходимлари етказилганлиги ҳолати ўз тасдиғини топмаганлиги сабабли унинг бу важларини асоссиз у томонидан содир этилган жиноий ҳаракати учун қонунда белгиланган жавобгарликдан қутулиш мақсадида келтирилган деб ҳисоблаб, тўғри хулосага келган.

Апелляция инстанцияси, судланувчи ХХХнинг у 10 дона “Тропикамид” кучли таъсир этувчи дориларни ХХХ ва ХХХларга бермаганлиги, шунингдек, ўзидан аниқланган 57 дона “Тропикамид” ва 124 дона “Зардекс” номли кучли таъсир этувчи дориларни ўз истеъмоли учун сақлаб келганлиги, тергов даврида унга тазйиқ ўтказилганлиги ҳақидаги важларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95 ва 112-моддаларини талаби асосида танқидий баҳо бериб, келтирган важларини ишончга сазовор эмас деб, муқаррар жазодан қутилиш мақсадида келтирилган деб ҳисоблайди, чунки ушбу важлари ўзининг тергов даврида адвокати иштирокида берган кўрсатмасидан ташқари, мазкур иш бўйича судланган ХХХ, ХХХларнинг тергов даврида адвокатлари иштирокида берган кўрсатувлари, гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган

терговдаги кўрсатмалари, ушбу моддалар миқдори икки хил, ўз истеъмолидан бир неча мартаба ортиқ бўлган ва ёнидан сақлаб келган



ҳолати ҳамда юқорида кўрсатиб ўтилган далилар йиғиндиси билан тўлиқ инкор этилади.

Шунингдек, судлов ҳайъати, химоячиларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.10.2024 йилдаги 632-сонли “Ўзбекистон Республикасида алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарорига кўра, судланувчи ХХХ ва ХХХларда аниқланган “Прегабалин” ва “Тропикамид” моддалари алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилганлиги сабабли уларнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251²-модаси билан квалификация қилиниши лозимлиги, лекин аввал маъмурий жавобгарликка тортилиши кераклиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, ушбу важлари билан келишмайди, чунки, биринчидан, юқоридаги Низом мазкур кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф равишда эмас, балки қонуний муомаласини тартибга солишга қаратилган; иккинчидан, ЖКнинг 251²-модаси учун жавобгарлик ушбу кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлаш учун белгиланган бўлиб, юқоридаги моддалар ХХХ томонидан ўтказиш мақсадида сақланган, ХХХ томонидан эса сотилган вақтда ашёвий далил билан қўлга олинганлиги сабабли ўтказиш мақсадини кўзламаган деб баҳоланмайди.

Юқоридагиларга кўра, апелляция инстанцияси, биринчи инстанция судининг ҳукмида қайд этилган хулосалари асосли, ишнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқ бўлиб, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб, судланувчи ХХХнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251¹-моддаси 2-қисмида, судланувчи ХХХнинг жиноий ҳаракатлари ЖКнинг 251¹-моддаси 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Шунингдек, судлов ҳайъати, судланувчи ХХХ ва ХХХларга тайинланган жазонинг адолатлилигини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли Қароридаги тушунтиришларга амал қилиб, уларнинг ҳар бирининг шахсини, гуруҳдаги ролини, содир этилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини, шу жумладан судланувчи ХХХ ва ХХХларнинг айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганини, оилавий шароитини, ХХХнинг муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолат йўқ деб баҳолаб, биринчи босқич суди томонидан уларга нисбатан айбдор деб топган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси, улар ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ва етарли бўладиган миқдорда қилмишига яраша адолатли тайинланганлиги ҳамда ашёвий далиллар масаласи тўғри ҳал



қилинганлиги сабабли суд ҳукмини ўзгартириш ва уларга жазосини энгиллаштириш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, судлов ҳайъати биринчи босқич суди томонидан ашёвий далил деб ҳисобланган “XXX” русумли ва “Samsung A-54” русумли уяли телефон аппаратларини ичидаги жиноят ишига алоқадор бўлган кириш-чиқиш қўнғироқлари, ёзишмалар ва ишни объектив ҳал қилиш учун муҳим бўлган бошқа маълумотлар олиб қўймасдан қайтаришни белгилаганлиги сабабли ушбу хато Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 541-542-моддаси тартибида ҳал қилиниши лозим бўлса-да, сансалорликка йўл қўймаслик мақсадида апелляция инстанциясининг ўзи томонидан ҳукми ўзгартирмаган ҳолда мазкур ҳолатга аниқлик киритиб, ушбу телефон аппаратларини ичидаги ишга тааллуқли маълумотларни олиб қўйган ҳолда қайтарилишини белгилашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482-484, 497²⁶, 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2024 йил 24 сентябрь кундаги ҳукмининг [REDACTED]

[REDACTED] а оид қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Ҳукмининг қарор қисмига аниқлик киритилиб, ашёвий далил - “XXX” русумли ва “Samsung A-54” русумли уяли телефон аппаратлари, ичидаги жиноят ишига алоқадор бўлган кириш-чиқиш қўнғироқлари, ёзишмалар ва ишни объектив ҳал қилиш учун муҳим бўлган бошқа маълумотлар тегишли мутахассис ёрдамида олиб қўйилиб, дискка кўчириб, жиноят иши ҳужжатларига ашёвий далил сифатида қўшилганидан сўнг, судланувчи XXXнинг яқин қариндошларига қайтарилсин.

Апелляция шикоятлари қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар биринчи босқич суди орқали Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

Х.Шамшиев

Ҳайъат судьялари:

О.Қличев

К.Мирсафаев

